

ТЕМПЕРАМЕНТ

РЕЖА:

КИРИШ

- 1. ТЕМПЕРАМЕНТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА*
- 2. ТЕМПЕРАМЕНТ БОРАСИДАГИ ПСИХОЛОГИК
НАЗАРИЯЛАР*
- 3. ТЕМПЕРАМЕНТ ТИПЛАРИНИНГ ТАВСИФНОМАСИ*
- 4. ФАОЛИЯТНИНГ ИНДИВИДУАЛ УСЛУБИ ВА
ТЕМПЕРАМЕНТ*

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдир. Албатта баркамол инсон деганда маънавий жиҳатдан етук, ўз ватанининг тарихи, бугуни ва келажаги учун қайғурадиган, шунингдек жамиятнинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган, қўшиш иштиёқида ёниб яшайдиган шахсни тушуниш бугунги кун талабига мос келади. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай таълим олишига ва қай тарзда тарбияланишига боғлиқ. Ана шундай авлодгина мамлакат олдида турган умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларни бажаришга қодир бўлиб, ўз халқининг тарихий тақдирини белгилаб олади. 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида мамлакатимиз халқ таълими тизимининг ўзбек моделини белгилаб берувчи «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида: “фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини миллат қадриятини «бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш мустақил жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрў, ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин» деб таъкидлаган эди. Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг таълим олишга бўлган консититуциявий ҳуқуқларини амалга оширишни концептуал ва стратегик жиҳатдан белгиланган бўлса, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” эса халқ таълимини яқин келажакдаги аниқ ривожланиш йўлини кўрсатиб берган.

Темперамент ҳақида тушунча

Инсоннинг руҳий олами бетўхтов ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бири иккинчисини бевосита тақазо этади ва улар узлуксиз занжир тизимига ўхшаш тарзда ҳукм суради. Худди шу боис шахс руҳиятида ташқи атроф-муҳит тўғрисидаги таассуротлар, ўтмиш хотиралари, келажак юзасидан ижодий ҳаёллар, эзгу ниятлар, хоҳиш истаклар, мақсад ва тилаклар, мулоҳаза, фикр ва муаммо, ҳиссий кечинмалар, иродавий сифатлар узлуксиз тарзда ўзаро ўрин алмаштириб туриш эвазига онтогенетик дунёга мустаҳкам негиз ҳозирланади. Руҳий олам кечиши, унинг суръати, мазмуни, шакли, кўлами, хусусияти, хислати, сифати, механизми алоҳида, яккаҳол инсонда ранг-баранг тарзда намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, инсонлар табиат ҳодисаларига, ижтимоий турмуш воқеликларига, омилларига, таъсир кучларига тез ёки секин, енгил ёки мушкулот билан жавоб қайтаришга мойиллик кўрсатадилар.

Психологияда темпераментга тааллуқли индивидуал динамик хусусиятлар ўртасида муайян даражада тафовут мавжудлиги алоҳида таъкидланади, улар орасидаги фарқларни ажратиб кўрсатиш мақсадида қуйидагича белгилар киритилади ва ўзига хос тарзда тавсифлаб берилади, уларнинг айримларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳафзулотда темпераментнинг бир хил хусусиятлари мотив, психик ҳолат ва ҳодисалардан фарқли ўлароқ, айнан шу шахснинг ўзида, унинг турли фаолиятларида, муомаласида ифодаланади.

2. Темперамент хусусиятлари табиий шартланганлик омилига тааллуқли бўлганлиги туфайли инсон ҳаёти ва фаолиятининг (умрининг) давомида ёки унинг муайян бир бўлагида (таъсирга берилувчанлиги сабаблигидан қатъий назар) барқарор, ўзгармас ва мустаҳкамдир.

3. Яккаҳол шахсга даҳлдор темпераментнинг турли хусусиятлари ўзаро бир-бири билан ғайриқонуний равишда бирлашган бўлмасдан, балки

улар ўзаро бир-бири муайян қонуният асосида мужассамлашиб, худди шу хусусиятлар унинг типларини тавсифловчи ўзига хос тузилмани вужудга келтиради.

Психология фанида **темперамент хусусиятлари** деганда, алоҳида бир шахснинг психик фаолияти динамикасини белгиловчи психиканинг барқарор, ўзгармас индивидуал-типологик хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Мазкур хусусиятлар турли шакл ва мазмунга эга бўлган мотивларда, психик ҳолатларда, мақсадларда, фаолиятларда нисбатан ўзгармас темперамент типини тавсифловчи тузилмани ташкил қилади.

Психология фанининг ижтимоий тарихий-тараққиёти даврида темпераментга нисбатан билдирилган мулоҳазалар, унинг моддий асоси тўғрисидаги талқинлар хилма-хил бўлиб, шахснинг психологик хусусиятларини ўзига хос тарзда тушунтириш учун хизмат қилиб келган. Темперамент латинча “*temperamentum*” деган сўздан олинган бўлиб, бунинг маъноси “аралашма” деган тушунчани англатади. Темперамент тўғрисидаги дастлабки таълимотни юнон олими Гиппократ (эрамиздан олдинги 460 – 356 йилларда яшаган) яратган бўлиб, унинг типологияси то ҳозирги давргача қўлланилиб келинмоқда.

Темперамент борасидаги психологик назариялар

Темпераментнинг физиологик асослари тўғрисида тушунча қадимги юнон олими Гиппократ таълимотига биноан, инсонларнинг темперамент хусусиятлари жиҳатидан ўзаро бир-биридан тафовутланиши уларнинг тана аъзоларидаги суюқликларнинг (хилтларнинг) турлича нисбатда жойлашувига

боғлиқ экан. Унинг фикрича, инсон танасида тўрт хил суюқлик (хилт) мавжуд бўлиб, улар ўт ёки сафро (юнон. «*chole*» - ўт), қон (лот. «*sanguis*» ёки «*sanguinis*» - қон), қора ўт (юнон. «*melas*» - қора, «*chole*» - ўт), балғам (юнон. «*phlegma*» - балғам) кабилардан иборат бўлиб, унга кўра:

1) ўтнинг хусусияти – қуруқликдир, унинг вазифаси тана аъзоларида қуруқликни сақлаб туриш ёки баданни қуруқ тутишдир;

2) қоннинг хусусияти – иссиқликдир, унинг вазифаси танани иситиб туришдир;

3) қора ўтнинг хусусияти – намликдир, унинг вазифаси бадан намлигини сақлаб туришдир;

4) балғамнинг (шилимшиқ модданинг) хусусияти – совуқликдир, унинг вазифаси баданни совутиб туришдан иборатдир.

Гиппократ таълимотига мувофиқ, ҳар бир инсонда шу тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, унинг биттаси устуворлик қилиб, мазкур аралашмалардан қайси бири салмоқлироқ бўлса, шунга қараб инсонлар темперамент жиҳатдан

фарқланадилар, чунончи, холерикда сариқ ўт, сангвиникда қон, меланхоликда қора ўт, флегматикда балғам (шилимшиқ модда) устун бўлиши таъкидланади.

Гиппократнинг тўрт хил моддалар (суюқликлар) аралашмаси, яъни темперамент тушунчаси ва унинг типологияси (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик) рамзий маънода ҳозирги замон психологиясида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Темпераментнинг илмий психологик асослари ва унинг физиологик механизмлари кейинги ижтимоий тарихий тараққиётнинг босқичларида ишлаб чиқилиб, бу борада изланилишлар давом эттирилмоқда. Темпераментнинг физиологик асосларига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олимлардан бири рус физиологи И.П.Павлов ҳисобланиб, у ҳайвонларнинг олий нерв фаолиятини тадқиқ қилаётганида итларда шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши, кечиши, давом этиши хусусиятлари инсонларникидан фарқ қилиши ва бу ҳодиса темпераментда ҳам учраши мумкинлигини кашф этади. И.П.Павлов темперамент ҳам шартли рефлексор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин,

деган хулосани бериб, мазкур таълимот бўйича, шартли рефлекслар пайдо бўлишининг индивидуал хусусиятлари рўёбга чиқишининг сабаблари нерв тизими хусусиятлари моҳиятидандир. Муаллиф нерв тизимининг учта асосий хусусиятига алоҳида аҳамият беради:

- 1) қўзғалиш жараёни ва тормозланиш (тўхталиш) жараёнининг кучи;
- 2) қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги мувозанатлилик даражаси (нerv тизимининг мувозанатлашгани);
- 3) қўзғалишнинг тормозланиши билан алмашиниши тезлиги (нerv жараёнларининг ҳаракатчанлиги).

Унинг кўрсатишича, ҳар бир ҳайвоннинг темпераменти ҳам мазкур хусусиятларнинг у ёки бунисига алоқадор бўлмай, балки уларнинг мажмуавий тарзига, қонуний бирлашувига боғлиқ бўлади. И.П.Павлов шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан темпераментга алоқадор нерв тизими хусусиятларининг ўзаро қўшилиувини нерв тизимининг типи деб номлайди ва уни тўртта типга ажратади:

- 1) кучли, мувозанатли, эпчил;
- 2) кучли, мувозанатсиз, эпчил;
- 3) кучли, мувозанатли, суст;
- 4) кучсиз тип.

Йирик рус психологларида бири Б.М.Теплов (1896-1965) ва унинг шогирдлари И.П.Павловнинг тадқиқотларини давом эттириб, инсон нерв жараёнлари хусусиятларининг ўзига хос томонларини очишга муваффақ бўлиб, улар нерв-физиологик жараёнларнинг нозик қирраларини ўрганишда махсус мосламалар ёрдами билан ўзгаришларни қайд қилиш ҳамда олинган натижаларни (омилларини) математик статистика методлари орқали ҳисоблашни татбиқ этганлар. Б.М.Теплов илмий мактаби намояндалари томонидан олинган маълумотларга қараганда, инсонда ҳосил қилинадиган шартли рефлексларнинг баъзи бир индивидуал хусусиятлари ўзаро уйғунликка эга бўлиб, улар ўзаро боғлиқ индивидуал хусусиятлар тизими

нерв тизимининг муайян хусусияти билан тавсифланади. Жумладан, ўзаро боғланган хусусиятлар, биринчидан, шартли қўзғовчи мустаҳкамланиши давом этишидан қатъий назар, шартли рефлекслар сўниши даражасига, иккинчидан, қўзғовчиларнинг кучли ёки кучсизлиги билан шартли реакциянинг ҳажми орасидаги тафовутларга, учинчидан, асосий қўзғовчи сезгирлигига бегона (нотаниш) қўзғовчини ижобий (салбий) таъсир ўтказиш даражасига, тўртинчидан, бошқа кўринишдаги ёки кучланишдаги қўзғалиш жараёнларининг кучига боғлиқ эканлигини маълум қиладилар. Маълумотларнинг таҳлилига биноан, тормозланишнинг (тўхталишнинг) кучи билан нерв жараёнларининг мувозанатлашувига тааллуқли шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари туркумлари шунга ўхшаш усул ёрдами билан кашф қилинган.

Шунингдек, Б.М.Теплов илмий мактабининг намоёндалари томонидан ижобий ва тормозловчи шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш тезлигини тавсифловчи индивидуал хусусиятлар туркуми ҳам изоҳлаб берилган. Ушбу индивидуал хусусиятлар моҳиятида ифодаланувчи нерв тизимининг нотаниш хусусияти *динамиклик* деб тавсифланган. Бундан ташқари, улар шартли рефлектор фаолиятининг бир гуруҳ индивидуал хусусиятлари қўзғалиш жараёнининг тўхталишининг тезлиги маҳсули сифатида тахмин қилинган хусусиятни (янги хислатни) лабиллик (*лот. «labialis» - беқарорлик*) деб атаганлар. Шунинг билан бирга улар нерв тизимининг бошқа хусусиятлари мавжудлиги тўғрисида илмий тахминлар илгари сурганлар, жумладан: сензитивлик, реактивлик ва ҳоказо.

Йигирманчи асрнинг 60-70 йилларида ушбу соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, темпераментнинг психологик тавсифи билан И.П.Павловнинг типлари ўртасида алоқа ҳукм суришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Темпераментга тааллуқли нерв тизимининг типлари ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга тегишли бўлиб, улар умумий типлар деб номланади. Бинобарин, темпераментнинг *физиологик асоси* — бу нерв тизимининг

умумий типлари бўлсада, бироқ И.П.Павловнинг типлари – бу нерв тизими хусусиятларининг танҳо типик бирикмаси эмас экан, чунки кейинчалик бу борада янги бирикмалар топилди. Лекин ажратилган типларнинг барчаси бир хил аҳамиятга молик эмаслиги туфайли уларнинг энг асосийлари кучли ва кучсиз типлардан ташкил топади.

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилиб, асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятларни ҳам умуман ўзгармас деб бўлмас экан, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Масалан, В.С.Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилиб, унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиқлик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстраверсия ва интраверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг меҳнат қилиш услубини танлаш ва профессионал маҳоратни ўстиришда айтишга асос берса уларнинг фаолият натижаси самарадор кўрсаткичга эга бўлиши кузатилади. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш қизиққон, тезкор бўлиб, улар меҳнат жараёнида фаоллик, ишни тез бажаришга лаёқати ижобий бўлса, унинг салбий томони ишни чала ташлаб кетиш хавфи, баъзи томонларига эса юзаки қараши кишини ўйлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳаётда соф темперамент ҳам бўлмайди ва у ёки бу темперамент типи жуда яхши ҳам эмас, ҳар бир типнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари ҳам бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, психик фаолиятнинг динамикаси нафақат темпераментга, балки мотивларга, психик ҳолатларга, ҳис-туйғуларга ҳам бевосита боғлиқдир.

Нерв системасининг умумий типлари келиб чиқиши юзасидан мулоҳаза юритилганда, албатта И.П.Павловнинг таълимотини эслаш мақсадга мувофиқдир, чунончи ирсият йўли билан шартланган тип–бу генотип демакдир. Ҳозирги даврда нерв системасининг умумий типи (генотип) ирсиятга боғлиқ эканлиги ҳақидаги маълумотлар, жуда кўп бўлиб, улар қиёсий жиҳатдан ҳайвонларни ўрганиш натижасида топилгандир.

Темпераментнинг типологияси мობодо инсонлар темпераментлари бўйича қиёсланса, у ҳолда унинг хусусиятлари жиҳатидан ўзаро ўхшаш шахсларнинг гуруҳи мавжудлиги намоён бўлади. Бу аснода эрамиздан олдинги даврда ҳам темперамент типлари тўғрисида материаллар тўпланган.

Ҳозирги даврда темперамент типи деганда, маълум инсонлар гуруҳи учун умумий бўлган хусусиятларнинг содда мажмуаси эмас, балки мазкур хусусиятларнинг қонуний, зарурий ўзаро боғлиқлиги тушунилиб, унинг типини тавсифловчи хусусиятларнинг қонуний тарзда ўзаро боғлиқлигини турлича акс эттирган ҳолда, янги омиллар мазкур типларнинг психологик тавсифини қайта таҳлил қилишни тақозо этади.

Темперамент типларининг психологик тавсифи қуйидаги муҳим хусусиятлар ёрдами билан аниқланиши мумкин:

1. Сензитивлик (лот. «*sensus*» - *сезиш, ҳис қилиш*) – инсонда биронта психик реакцияни ҳосил қилиш учун зарур бўлган ўта кучсиз ташқи таассурот кучига қараб мулоҳаза юритилади жумладан, сезгиларнинг пайдо бўлиши учун керак кўзғовчининг озгина кучи (уларнинг қуйи чегараси), эҳтиёжлар қондирилмаслигининг сезилар-сезилмас даражаси (шахсга рухий азоб берувчи) мужассамлашиши тушунилади.

2. Реактивликда айнан бир хил куч билан таъсир этувчи ташқи ва ички таассуротларга шахс қандай куч билан эмоционал реакция қилишига қараб

муносабат билдирилиб, унинг ёрқин рўёбга чиқиши — эмоционаллик, таъсирчанликда ифодаланади.

3. Фаоллик — инсон қандайдир фаоллик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишида объектив ҳамда субъектив қарама-қаршиликларни фаоллик билан енгитидир.

4. Реактивлик билан фаолликнинг ўзаро муносабатида одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига биноан, чунончи тасодифий тарздаги ташқи ва ички шароитларда (кайфиятга, ғавқулоддаги ҳодисаларга) ёки мақсадларга, эзгу ниятларга, хоҳиш-интилишларга кўра фикр билдириш назарда тутилади.

5. Реакция темпи — турли хусусиятли психик реакциялар ва жараёнларнинг кечиши тезлигига, бинобарин, ҳаракат тезлигига, нутқ суръатига, фаросатлиликлка, ақл тезлигига асосланиб ҳулоса чиқаришдир.

6. Ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат — ригидлик (қотиб қолганлик) — шахснинг ўзгарувчан ташқи таассуротларга қанчалик енгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашишига (силлиқлик билан мослашишга), шунингдек, унинг хатти-ҳаракатлари қанчалик сушт ва заифлиги (ригидлиги — қотиб қолганлиги)га нисбатан баҳо беришдан иборатдир.

7. Экстравертлик ва интравертлик - шахснинг фаолияти ва реакцияси кўп жиҳатдан нималарга боғлиқлигига, чунончи ғавқулоддаги ташқи таассуротларга (экстравертлик) ёки, аксинча, тимсолларга, тасаввурларга, ўтмиш ҳамда келажак билан уйғунлашган мулоҳазаларга (интровертлик) тааллуқлигига асосланган ҳолда муносабат ифодасидир.

Темперамент типларининг тавсифномаси

Турли темперамент типига мансуб инсонларда ҳар хил характер хусусиятлари, шахс сифатлари, ҳолатлари рўй беради. Темперамент типларига мос хусусиятларни муҳимлари қуйидаги жадвалда акс эттирилади.

Сангвиник юксак реактивлик. Бўлар-бўлмас нарсаларга қаттиқ хохолаб кулаверади. Муҳим бўлмаган факт қаттиқ жаҳлини чиқаради. Диққатини жалб қилган ҳамма нарсаларга тетик ва зўр қўзғалиш билан жавоб беради. Имо-ишоралари ва ҳаракатлари яққол кўриниб туради. Унинг афт-башарасига қараб кайфиятининг қандайлигини, нарсаларга ёки одамга бўлган муносабатларини билиш осон. Диққатини тез бир жойга тўплайди.

Суст сензитивликка эга. Сезгирлик чегараси юксак. Жуда кучсиз товушларни ва ёруғлик қўзғовчиларни пайқамайди. Активлиги юксак, жуда ғайратли ва ишчан, дарсларда тез-тез қўл кўтариб туради, толиқмасдан узок вақт ишлаши мумкин, янги ишларга ғайрат билан киришади. Фаоллиги ва реактивлиги мувозанатли. Уни интизомга чақириш осон. У ўз ҳиссиётларининг намоён бўлишини ва ўзининг ихтиёрсиз ҳаракатларини тез ушлаб қола олади. Ҳаракатлари шиддатли, нутқи тез, янги ишга тезлик билан киришади, диққатини тез тўплайди. Ақли тез ишлайди, топқир. Ҳаракатлари ниҳоят даражада силлиқлик хусусиятига эга. Ҳиссиётлари, кайфиятлари, қизиқишлари ва интилишлари жуда ўзгарувчан. У янги кишилар билан тез киришиб кетади. Янги талаблар, янги шароитга осонлик билан ўрганади. Бир ишдан иккинчи ишга тез кўча олади. Малакаларни тез ўзлаштиради ва тез қайта ўзгартиради. Ақли ихчам. Экстровертлик хусусиятига эга. Ўтган ва келажак ҳаёт ҳақида тасаввурларига қараганда қуйироқ ташқи таассуротларга жавоб беради.

Сангвиник — жуда фаол, қизиқувчан бўлиб, атрофдаги нарсалар, инсонлар диққатини тез жалб этади. У имо-ишораларни кўп ишлатиб, унинг чехрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир(қўзғатувчилар)ни сеза олмайди, серғайрат, ишчан, толиқмасдир. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатли бўлади, имтизомли, ўзини тия билади ва бошқара олади. Унинг хатти-ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл идроки теран, топқир, қизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчандир. Кўникма ва

малакаларни тез эгаллайди, кўнгли очик, дилкаш, мулоқотга тез киришади, унинг хаёлотини (фантазияси) юксак даражада ривожланган, ташқи таъсирларга ҳозиржавоб бўлади.

Холерик худди сангвиник каби суҳт сензитивлик, юксак реактивлик ҳамда фаоллик билан ажралиб туради, лекин фаолликдан реактивлик устунлик қилади. Шунинг учун у тинимсиз ўзини ушлаб олмайди, бетоқат, серзарда. Сангвиникка қараганда озроқ силлиқ ва кўпроқ қотиб қолган. Шунинг учун интилишлари ва қизиқишларида катта барқарорлик, зўр қатъийлик бор, диққатини кўчиришда қийинчиликка учрайди. Психик темпи тез. Бир ишни бошласа охирига етказади, аммо унга қизиқса.

Холерик – суҳт сензитивлик хусусиятига эга бўлиб, жуда фаол ва реактивдир. Кўпинча реактивлиги фаолликдан устун келиб, у бетоқатлик, серзардалик ва гиперактивликни намоён қилади. Сангвиникка қараганда кўзгалувчан, лекин кўпроқ ригид, қизиқишлари, интилишлари барқарор, хатти-ҳаракатларда қатъийлик мавжуд бўлсада, бироқ диққатни бир жойга тўплашда қийналади, нутқ суръати тез ва ҳ.к.

Флегматик – сензитивлиги суҳт, ҳиссий кўзгалувчанлиги оз, кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин. Аммо бир нарсаязасидан қаттиқ кулганда у вазминлигича қолаверади. Катта кўнгилсиз ҳодисаяз берганда ҳам осойишталигини бузмайди. Имо-ишоралари оз, ҳаракатлари ифодасиз. Ғайрати ишчанлиги билан ажралиб туради. Юксак фаоллиги оз, реактивлигидан анча устунлик қилади. Чидамлилиги, матонати, ўзини тута билиш билан ажралиб туради. Ҳаракатларининг темпи ва нутқининг темпи суҳт, ифодасиз. Диққатини секинлик билан тўплайди. Ригид (қотиб қолган), диққатини қийинчилик билан кўчиради. Янги шароитга қийинчилик билан мослашади. Интроверт. Янги одамларга қийинчилик билан қўшилади. Ташқи таассуротларга қийинчилик билан жавоб қайтаради.

Флегматик – сензитивлиги суҳт, ҳис-туйғуси (эмоцияси) кам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни кулдириш, жаҳлини чиқариш,

кайфиятини бузиш қийин бўлиб, кўнгилсиз ҳодиса хавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат, имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмасада, лекин серғайрат, ишчан, фаол, чидамли, матонатлидир. Унинг нутқ ва ҳаракат суръати суст, фаросати қийикроқ. Диққатни тўплаши осойишта, ригид кўринишида бўлиб, диққатни кўчириши қийин кечади. Интравертлашган, кам гап, ичимдан топ тоифасидан бўлиб, янгиликни қабул қилиши мураккаб ва ташқи таассуротларга сустлик билан жавоб берувчандир.

Меланхолик – юксак сензитивлик хусусиятига эга. Сезгирлиги юксак (сезги чегаралари юқори). Арзимаган сабабга кўра, кўзларидан ёш оқиб кетаверади. Ниҳоятда аразчан, секин йиғлайди. Самимий, жуда оз кулади, фаоллиги суст. Ўзига ишонмайди, тортинчоқ, озгина қийинчилик туғиладиган бўлса, кўлини ювиб кўлтиғига уриб кўя қолади. Ғайратсиз қатъий эмас. Диққати тез чалғийди, барқарор эмас. Психик темпи суст. Ригид (қотиб қолган). Интровертлик хусусиятига эга.

Меланхолик – сензитивлиги юксак, тортинчоқ, ғайратсиз, аразчан, хафақон бўлади. У жимгина йиғлайди, кам кулади, қатъийлиги ва мустақиллиги заиф, тез толади, ортиқча ишчан эмас. Диққати барқарор, ҳистуйғуси суст ўзгарувчан, ригид ва интравертлашган. Психологик маълумотларда эътироф этилишича, ирсият ва турмуш шароитлари темперамент типлари ўртасидаги тафовутларнинг сабабчиси экан. Шунинг учун ирсий физиологик хусусиятлари бир хил ва битта тухумдан яралган (гомозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятларини иккита тухумдан вужудга келган (гетерозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятлари билан қиёсланса, бу омил тасдиқланиши мумкин экан.

Маълумотларга қараганда, гетерозигот эгизаклардан фарқли ўлароқ, гомозигот эгизаклар темперамент хусусиятлари шунчалик ўхшар эканки, ҳатто улар ирсият йўли билан берилиш омилларини 85% тасдиқлаш имкониятига эга экан. Тарбиявий муҳит турлича бўлишига қарамай,

Ўхшашлик сақланиб қолиши тажрибаларда кўп марта текширилган бўлсада, лекин темпераментнинг айрим хусусиятлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар инкор этилмайди, унга фавқулоддаги ташқи ҳамда ички шароитлар кескин таъсир ўтказади (масалан, тоғ шароити, хавф-хатар мавжудлиги ва ҳ.к.).

Шуни таъкидлаш ўринлики, олимлар фикрича темпераментни фаолият талабларига мослаштириш (мувофиқлаштириш) имконияти мавжуд экан. Чунки ҳар қандай фаолият психик жараёнлари динамикасига муайян талаблар тизимини қўяди. Хусусан:

- касб-хунарларнинг инсонлар темпераментига мос турини танлаш керак, чунки уларнинг психик хусусиятларига мутаносиб касбни танлаш профессионал танлаш дейилади;

- шахсларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз;

- темпераментга хос камчиликларни (салбий иллатларни) бартараф этиш лозим;

- инсонларда индивидуал услубни шакллантириш зарур. Чунки шахснинг фаолиятига онгли, фаол ва ижодий муносабатда бўлиши муваффақиятлар гаровидир.

Фаолиятнинг индивидуал услуби ва темперамент

Фаолиятнинг индивидуал услуби инсонда ўзидан ўзи вужудга келмайди, у шахс камолотининг барча босқичларида (боғча ёшидан эътиборан то касбий маҳорат эгаллагунга қадар) шаклланиб боради. Инсоннинг темпераменти фаолиятнинг индивидуал услубини таркиб топтиради. Худди шу боисдан, фаолиятнинг индивидуал услуби дейилганда шахс учун ўзига хос ва муваффақиятга эришишнинг мақсадга мувофиқ йўллари индивидуал тизими тушунилади.

Темперамент хусусиятларининг ўзига хос йиғиндиси инсон фаолияти муносабатлари ва билиш жараёнларида фаоллигининг индивидуал услуби жараёнида намоён бўлади.

Фаолиятнинг индивидуал услуби фақат темпераментга эмас, балки бошқа сабабларга, шахсий тажриба жараёнида ҳосил бўлган кўникма ва малакаларга ҳам боғлиқдир. Фаолиятнинг индивидуал услубини инсон организмни туғма хусусиятлари ва асаб тизими типларининг фаолият шароитларига мосланиши деб қараш мумкин. Фаолиятнинг индивидуал услуби асосини асаб тизими хусусиятлари йиғиндиси ташкил қилади. Фаолиятнинг индивидуал услубига кирувчи икки хил хусусиятлар мавжуд.

1. Асаб тизими индивидуал хусусиятлари нуқсонларининг ўрнини тўлдирувчи тажриба жараёнида шаклланган хусусиятлар.

2. Инсонда мавжуд лаёқат ва қобилиятлардан максимал даражада фойдаланиш имконини берувчи хусусиятлар.

Темпераментнинг хусусияти фаолликнинг самарадорлигида эмас, балки усулларнинг ўзига хослигидадир. Шу маънода Е.А.Климов томонидан олиб борилган тадқиқотга кўра, станокчи, тўқувчиларнинг ишини кузатиш натижалари муҳим саналган. Маълум бўлдики, бир неча станокда ишлашда нерв тизими ҳаракатчан типдаги ҳам, ҳаракатсиз типдаги ходимлар ҳам ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришадилар. Темпераментни ҳаракатчанлигига кўра қарама-қарши хусусиятли кишилар бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат тактикасига мурожаат қилишлари аниқланди. Ҳаракатчанлари шошилиш, тезроқ бажаради, темпераментнинг суст типдаги кишилар эса шошилиш ҳаракатининг зарурлигини билдирадиган тайёрлов ишларига кўп эътибор бериши билан ажралиб туради.

Фаолликнинг индивидуал услубини В.С.Мерлин, Е.А.Климовлар ўрганиб, унинг кишида дарров пайдо бўлмаслиги ва фақат стихияли тарзда пайдо бўлишини кўрсатишди. Агар киши ўз темпераментига мувофиқ яхши

натижаларига эришишига ёрдам берадиган ўзининг йўллари ва усуларини фаол изласа, индивидуал услуб юзага келади.

Одамларнинг биргаликдаги фаоллиги шароитларида улар темпераментнинг динамик фазилатлари улар фаолиятининг пировард натижасига ҳар бири индивидуал ишлаган ҳолдагига қараганда анча жиддий таъсир кўрсатади. Бунда мазкур фаолиятни бажариш учун анча қулай ва камроқ қулай бўлган темпераментнинг ҳар хил типларини бирга қўшилиб кетиши аниқ бўлади. Чунончи, холерик темпераментли кишининг фаолияти сангвиник ёки холерик темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганига қараганда флегматик ёки меланхолик билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлади. Бундай фактлар шуни кўрсатадики, темпераментнинг у ёки бу хусусиятларининг аҳамиятини кўпгина фаолият турларини биргаликдаги характери хисобга олмасдан баҳолаб бўлмайди. Ўз темпераментининг хусусиятларини эгаллаш ва уларнинг ўрнини тўлдириш, фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш болалик йилларидан бошланиб, таълим ва тарбия таъсирини негизида юзага келади.

ХУЛОСА

Шахснинг индивидуал хусусиятлари унинг туғма, биологик хусусиятларига боғлиқ. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан биологик – яхлитлик, туғма сифатларни ўз ичига олган индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик – ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олиб, улар шахсда онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Темперамент хусусиятлари одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан ёки бир малакалардан бошқасига алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди. Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлади, яъни уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради.

Шунинг учун бир хил вазиятни турли шахслар, бири оғир-босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темперамент шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашида муҳим аҳамият касб этади. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни «яхши - ёмон», «аҳамиятли - аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажратишга имкон бериб, бунда темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирлигини» тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темперамент хусусиятлари аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англанадиган бўлгани учун ҳам маълум маънода динамик кўринишда бўлади. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш ҳаракатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмас экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бодалев А. А. Психология о личности. — М.: Изд-во МГУ, 1988.
- Гиппенрейтер Ю. Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов-. — М.: ЧеРо, 1997.
2. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
3. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — СПб.: Свет, 1997.
4. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002
5. Джемс В. Психология.- М., 1991
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
8. Мерлин В.С. Очерки интегрального исследования индивидуаль-ности. — М.: Просвещение, 1989.
9. Небылицы В. Д. Основные свойства нервной системы человека // Избранные психологические труды / Под ред. Б. Ф. Ломова. — М.: Педагогика, 1990.
- 10.Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
- 11.Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
- 12.Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998й
- 13.Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
- 14.Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
- 15.Турғунов Қ Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; «Ўқитувчи» нашриёти 1975 й
- 16.Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; «Ўқитувчи» 1992й
- 17.Ғозиев Э.Э Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й